

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган

2008 йил 24-30 октябрь № 42 (610)

Жума кунлари чиқади

## Ўзбекистон Республикаси

### Президентининг ФАРМОНИ

#### ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 16 ноябидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2008 йилнинг 16 ноябидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 28 040 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 55 550 сўм;

яна тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 28 040 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 55 550 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 33 645 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгиланган кўйилсинки, иш ҳақига қўйиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 16 ноябидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 16 ноябидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 16 ноябидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,

2008 йил 22 октябрь.

И. КАРИМОВ.

## Анжуман



### ИНСОН САЛОМАТЛИГИДА ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ

Жорий йилнинг 20-21 октябрь кунлари Тошкент Тиббиёт академиясига қарашли академик лицейнинг мажлислар залида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент Тиббиёт академияси томонидан «Сурункали бош мия қон айланиши етишмовчилигини ташхислаш ва хирургик даволашнинг замонавий йўналишлари» мавзuida Республика конференцияси бўлиб ўтди. Унда юртимиз олимлари, ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда Россиянинг тиббиёт академияси академик, профессор-олимлари ва етакчи мутахассислар иштирок этдилар.

Анжуманининг очилишида сўзга чиққан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Нодир Шарапов Республика соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мутахассисларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш, бирламчи шифо масканлари фаолиятини чуқурлаштириш орқали аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, бош мия қон айланиши етишмовчилиги туфайли келиб чиқадиган оғир хасталикларнинг олдини олиш, ташхислаш ва хирургик даволашнинг замонавий йўналишларини амалиётга татбиқ этиш сингари вазифалар ҳусусида тўхталдилар.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотиغا кўра, кейинги йилларда аҳоли орасида сурункали бош мия қон айланиши бузилиши туфайли келиб чиқадиган инсульт хасталиги кўпайиб бормоқда. Инсон ҳаёти ва саломатлигига жиддий таҳдид соладиган бу касаллик-

нинг асосий сабаби соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш маданиятига етарли риоя этмаслик, кам ҳаракатлилиқ, иччи ва чекишга берилиш сингари салбий иллатлар оқибатида юзага келмоқда. Бу муаммони бартараф этиш учун профилактика ва диагностика тадбирлари қўламини кенгайтириш, илм-фан ютуқлари ривожини кўпроқ амалиётга жорий этиш каби устувор ва долзарб вазифалар бирламчи ҳисобланади. Эътироф этиш кераки, мамлакатимизда тиббиётнинг бошқа йўналишлари қатори ангионеврология соҳасини ҳам тубдан такомиллаштириш, бундай хасталикка чалинган беморларга ўз вақтида малакали ёрдам кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ундан ташқари, инсон саломатлигига жиддий хавф тўғрисидаги тадбирларнинг келувчи оғир хасталикларнинг олдини олиш, диагностика тадбирларини тезкор амалга ошириш борасида умумий амалиёт шифокорлари, невролог, кардиолог, қон-томир тизими касалликларини даволовчи хирурглар бу бора-

да изчиллик билан фаолият олиб бормоқдалар. Ушбу соҳа бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш юзасидан ҳам кўпгина амалий ислохотлар кенг йўлга қўйилмоқда.

— Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга қаратилган эътибор аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини кенгайтираётганини кўрсатади. Бундай эътибор ангионеврология соҳасида ўз ечимини қутаётган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга ҳам хизмат қилади. Шунингдек, бу борада давлатингиз томонидан тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика асбоб-ускуналари билан таъминлаш, малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини тубдан такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар юксак самаралар беришига ишончим комил, — дейди суҳбат чоғида Россия тиббиёт академияси академиги А. Покровский.

Анжуманда ангионеврология йўналишида эришилаётган илм-фан ютуқлари, янги технологиялар, бош мия хасталикларини барвақт аниқлаш, олдини олиш ҳамда ўз вақтида даволаш юзасидан маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Намоз ТОЛИПОВ.

Сурат муаллифи

Анвар

САМАДХОДЖАЕВ.

ЎШБУ СОНДА:

БОЛАНГИЗНИ  
ШАМОЛЛАШДАН  
АСРАНГ!

2-бет

КАМҚОҢЛИК  
МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ  
БАРТАРАФ  
ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

3-бет

ОСТЕОАРТРОЗ: ВОПРОСЫ  
ЭФФЕКТИВНОЙ  
И БЕЗОПАСНОЙ  
ФАРМАКОТЕРАПИИ

4-5-я стр.

## Анжуман

Жорий йилнинг 17 октябрь куни Навоий шаҳрида «Воҳидов ўқишлари – 2008. Кўкрак ва қорин бўшлиғи аъзолари хирургиясидаги янгиликлар» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анъанавий тус олган мазкур конференция Президентимизнинг Академик В. Воҳидов хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги Фармониغا биноан таъсис этилган бўлиб, у ҳар йили республикамизнинг турли вилоятларида тиббиётнинг энг устувор ва долзарб мавзуларига бағишлаб ўтказиб келинади.

## ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ – АМАЛИЁТГА!

Конференцияда мамлакатимиз мутахассислари, моҳир хирурглар, ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда, МДХ давлатларидан келган етакчи олимлар ҳам иштирок этди. Мазкур конференцияни Навоий вилоят ҳокими, сенатор Б. Рўзиев кириш сўзи билан очиб, долзарб мавзудаги анжуман ишига муваффақият тилади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Икромов тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, аҳоли саломатлигини муҳофазалашда татбиқ этилаётган илм-фан ютуқлари хусусида тўхталиб ўтди.

Анжуман беш йўналишда олиб борилди: абдоминал (қизилўнғач, ошқозон, портал гипертензия билан асоратланган жигар цирроэларини реконструктив ва жигар, ошқозон ости безининг ҳажми кат-

та бўлган ўсмалар хирургияси), юрак қон-томир (юрак тўғма ва орттирилган нуқсонлари, юрак ишемик касаллиги, қон-томир, микро ва пластик хирургия), кўкрак қафаси, анестезиология ва реаниматология ҳамда болалар хирургияси бўйича долзарб мавзуларда маърузалар тингланди. Шунингдек, анжуман доирасида янги технология ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида амалга оширилган мураккаб операциялар – фан ютуқлари сифатида эътироф этилди.

Анжуман якунида мутахассислар кўкрак ва қорин бўшлиғи соҳаси хирургиясидаги замонавий технологиялар тўғрисида фикр алмашиб, хорижий ҳамкасблари фаолияти билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Намоз ТОЛИПОВ.



## Неделя дизайна и моды "Style.uz" – 2008

## ПРАЗДНИК КРАСОТЫ

12-17 октябрь текущего года Узбекистан по-настоящему превратился в центр мировой моды и дизайна. Ведь именно в эти дни в нашей стране прошел праздник красоты и стиля Неделя дизайна и моды "Style.uz". На данном событии, которое проводится вот уже третий раз, приняли участие как ведущие отечественные модельеры и дизайнеры, так и зарубежные гости.

Феерические шоу, представление новинок мировой и отечественной моды, интересные выставки, а также экспозиции работ художников – все это показало, что неделя моды и дизайна была проведена на высоком уровне.

В центре национальных искусств и Дворце творчества молодежи в рамках недели "Style.uz" были проведены дефиле от дизайнеров Дома стиля, а также мировых кутюрье. Наблюдая за роскошными нарядами и аксессуарами, представленными нашими талантливыми отечественными модельерами, как Дилдора Касымова, Умида Юсупова, Мунира Алимухамедова и т.д., можно прийти к совершенно точному мнению о том, что действительно Узбекистан занимает достойное место на подиумах мира. Следует особо отметить то, что неделя дизайна и моды предоставляет шанс и молодым начинающим модельерам продемонстрировать свои работы. Результаты деятельности начинающих узбекских модельеров произвели очень сильное впечатление на зарубежных гостей.

В своем интервью Норико Сурикабе, дизайнер из Японии, отметил, что в ходе его пребывания в нашей стране он узнал немало об узбекской моде, ее истории и состоянии на сегодняшний день. Это во многом является заслугой государства, которое старается поддерживать одаренную молодежь.

Очередными яркими событиями недели дизайна и моды стали проведение экспозиции работ художника Гафура Кадырова, антикварной выставки "Впер-



вые, спуска века", а также конкурс графических работ и фотографий. Находясь среди этой красоты, наблюдая за каждым проявлением чуда, невольно убеждаешься, что действительно, красота спасет мир.

Итак, заключительной и самой грандиозной нотой недели стал Фестиваль национального наряда, который прошел в Самарканде. Красочное шоу, сопровождаемое концертом звезд узбекской эстрады, прошло удивительно гладко и красиво. Создавалось ощущение, что участники порой ощущали себя как в волшебной сказке, очень красивой и незабываемой. В конце фестиваля были выявлены и награждены лучшие дизайнеры недели дизайна и моды. Действительно, неделя дизайна и моды "Style.uz" подошла к своему логическому концу. И все же в сердцах до сих пор не погасли огни большого праздника, а впереди очень много работы по осуществлению намеченных целей.

Ирода ИЛЬХАМОВА.

## Аҳоли кенг қатлами учун

## БОЛАНГИЗНИ ШАМОЛЛАШДАН АСРАНГ!

**Респиратор инфекция (шамоллаш) – бу юқори нафас йўллари, жумладан бурун ва томоқнинг яллиғланиши бўлиб, уларни қўпинча вируслар келтириб чиқаради. Бу касалликка кўпроқ болалар чалинади.**

**Касаллик қандай юқади?**  
Касаллик бемор одамдан болага галлашганда, аксирганда ва йўталганда юқади. Касаллиқнинг қандай белгилари мавжуд?

Болада асосан:

- Буруннинг битиши ёки оқishi, қўзининг ёшланиши;
- Йўтал;
- Тана ҳароратининг кўтарилиши каби ҳолатлар кузатилади.

**Болада шамоллаш нимаси билан ҳавфли?**

Шамоллаган боланинг нафас олиши ўзгармаса, уни оддийгина парвариш қилиш билан даволаш мумкин, лекин унга беварқ бўлсангиз яллиғланиш жараёни юқори нафас йўлидан ўпкага, ўрта қулоққа ва мия пардасига ўтиб кетади. Натижада бу асоратлар кўнгилсиз оқибатларга олиб келади.

Агар шамоллаган боланинг:

- нафас олиши тезлашса;
- нафас олиши қийинлашса;
- иситмиси кўтарилиб кетса

**зудлик билан шифокорга мурожаат қилинг!**

**Шуни унутманг!**

Шамоллаш белгиларини қанча эрта аниқлангиз, уни даволаш шунчалик енгил бўлади ва дори воситаларини қўллашга зарурат туғилмайди.

**Болангиз шамоллаган бўлса:**

- Эмизикли болани одатдагидан кўпроқ эмизишга ҳаракат қилинг;
- Бурни битиб қолган ҳолларда, сутни тоза идишга соғиб, қошиқ билан ичиришга ҳаракат қилинг, чунки бурни би-

тиб қолган бола кўкракни яхши эма олмайд;

- У яхши кўриб истеъмоқ қиладиган таомлардан тайёрлаб, оз-оздан, лекин тез-тез бериб туринг. Бу боланинг касалликка қарши курашувчанлигини оширади;



қарши курашувчанлигини оширади;

- Унга тез-тез суюқликлар ичириб туринг.

**Айниқса, витамин "С"га бой бўлган янги мева шарбатлари, лимонли, смородинали ва малинали чой фойдаланинг. Витамин "С" қон-томир деворини мустаҳкамлайди, шу сабабли, вирус ва микробларнинг қонга ўтishi қийинлашади.**

- Тана ҳарорати кўтарилганда, унга парацетамол таблеткаси ёки сиропидан ичириг.

• Унинг совуқотишига йўл қўйманг! Бунда мавжуд микроб ва вируслар яна ҳам фаоллашиб, касаллиқни кучайтириши мумкин.

- Болани ҳудуд ҳам иссиқ қийинтирманг ёки ўраб ташламанг. Бунда бола қизиби, ўзини ёмон ҳис қилади ва бемалол ҳаракатлана олмайд.

• Бола яшайдиган хонанинг ҳавосини тез-тез алмаштириб туринг. Болани шамоллашдан ас-  
раш учун, хонани шамоллатаёт-

ган вақтда вақтинчалик уни бошқа хонага ўтказинг.

**Ўз билганингизча болага антибиотик берманг! Уни пала-партиш истеъмоқ қилиш натижасида микробларнинг антибиотикка нисбатан чидамлилиги ортиб боради.**

**Антибиотик ҳақиқатдан ҳам зарур бўлган вақтларда у таъсир қилмай қўйиши мумкин.**

- Болангиз касалликдан тузалгандан сўнг, уни кўпроқ овқатлантиринг. Бу бола касаллик даврида йўқотган вазнини тез тиклашига имкон беради.

**Болани касалликка чалинтирмаслик учун нима қилиш керак?**

- Болани 6 ойгача фақат она сuti билан боқинг. Чунки, она сutiдаги мавжуд иммунитет болага ўтиб уни турли хил касалликлардан ҳимоя қилади;

- Бола 6 ойлик бўлгандан бошлаб қўшимча овқатлантиринг, чунки биргина она сuti унинг эhtiёжларини энди қоплай олмайд.

- Болани эмизишни 2 ёшгача давом эттиринг;

- Болани иқлимга мос равишда кийинтиринг;

- Болани албатта чинқитириб бординг. Бу тўғрисида шифокор билан маслаҳатлашиб, ҳаво ва сув муолажаларидан фойдаланишингиз мумкин;

- Шамоллаган бемордан болани йироқроқ тутиг;

- Амалдаги барча эмашларни ўз вақтида олишга ҳаракат қилинг.

**Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти, «Саломатлик» лойиҳаси мутахассислари томонидан тайёрланди.**

## Миннатдорчилик туйғулари

## БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ!

**Бухоро вилоятига меҳмонга бораётган пайтимда бехосдан поездда қон босимни кўтарилиб, аҳолиим оғирлашиб қолди. Манзилга етиб борганимча ёнимдаги меҳрибон инсонлар биринчи ёрдам кўрсатишди...**

Мени зудлик билан Ўзбекистон темир йўллари Бухоро бўлими касалхонасига олиб боришди. У ердаги малакали шифокорлар соғлиғимни кўздан кечиригач, тезда керакли муолажаларни бошлаб юборишди. Уларнинг доимий эhtiёбири ва парвариши туфайли соғай бошладим. Айниқса, шифохонадаги шифокор, ҳамшира ҳамда кичик тиббиёт ходимларининг ҳушмуомалалиги, меҳрибонлиги ва чақонликлари тузалиб кетишимга катта ёрдам берди. Ўшбу масканда беморлар дардига малҳам бўлаётган шифохона поликлиникасининг бошлиғи, хирург Алишер Ҳасанов ўзининг бой тажрибаси, ширин муомаласи, касбига бўлган фидойилиги билан мени оғир дарддан халос этди.

Шу ўринда Алишер Ҳасанов ва у билан ёнма-ён туриб соғлигим учун қайгурган барча тиббиёт ходимларига чуқур миннатдорчилигимни билдираман. Ана шундай шифокорларимиз доимо бахтимизга омон бўлишсин дея уларнинг ишларига омад тилаб қоламан.

**Ҳабиб ТУРАПОВ,  
Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани.**

## ДИЛ СЎЗЛАРИМ СИЗГА!

**Тўсатдан чап кўкрак соҳам ва чап қўлимдаги оғриқдан оғир аҳволга тушиб қолдим. Тезда мени Навоий вилояти, Кармана туман марказидаги шифохонасининг асаб касалликлари бўлимига ётқизишди...**

Бўлим бошлиғи, тажрибали врач Неймат Муртазов соғлиғимни текшириб кўргач, аҳолиимда жиддий ўзгариш борлигини айтиб, тезда даволаш ишларини бошлаб юборди. Икки ҳафта давомида олиб борилган тезкор сифатли тиббий хизмат туфайли соғлиғим яхшиланди.

Шифохонадан тузалиб, фаолиятимга қайтдим. Лекин кўп вақт ўтмай, танамга қизил тошмалар тошиб, аҳолиим янада оғирлашди. Дарҳол мени «Тез ёрдам» машинаси билан вилоят терианосил диспансерига олиб келишди. Аҳолиимни кўрган диспансер бош врач Шерали Жалилов ётиб даволанишим зарурлигини айтди...

Шу ўринда иккала касаллик бўйича мени оғир дарддан фориғ этган навоийлик тажрибали шифокорлар Н. Муртазов, Ш. Жалилов, Н. Шомуродова ҳамда бири-биридан чақон ҳамшираларга ўз миннатдорчилигини изҳор этиб, дилимдаги эзгу тилақларимни билдириб қоламан.

**Мухаррам НАРЗУЛЛАЕВА,  
Навоий вилояти,  
Кармана тумани.**

## Кун мавзуси

# КАМҚОНЛИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

**Анемия (камқонлик) дунё миқёсида глобал муаммога айланиб бормоқда, чунки унинг асоратлари салбий оқибатларга олиб келиши барчамизга маълум. Жаҳон Банки берган маълумотларга қараганда, улардан келган зарар ҳар бир мамлакат миллий даромадининг 3-5 фоизини ташкил этади. Профилактик чора-тадбирларга 0,3 фоиз сарфланса камқонликни бартараф этиш мумкин.**

Темир танқислиги ва ундан келиб чиққан камқонлик бугун ёки кеча пайдо бўлган касаллик эмас. Шундай экан, унга қарши кураш, ҳасталикнинг олдини олиш масалалари ҳам кўп йиллардан бери бутун дунё олимлари диққат эътиборида ва бу борада халқаро тажрибаларга эгамиз. Маълумки, камқонликка асосан, туғиш ёшидаги ҳамда ҳомиладор аёллар, ўсмирлар ва ёш болалар чалинади, чунки уларнинг организмда темирга бўлган эҳтиёж эркакларга нисбатан 3-5 баробар юқоридир, шунинг учун биз уларни хавф гуруҳи деимиз. Улар орасида доимо камқонликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар олиб бориш зарур. Охириги 15 йилда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ҳукуматимиз томонидан оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шулар орасида оналар ва болаларда кенг тарқалган (60-57 фоиз) темир етишмовчилиги камқонликни камайтиришга қаратилган Дастурлар ишлаб чиқарилди ва уларни амалга ошириш бошланди. Булар – “Хавф гуруҳлар орасида темир препарати ва фоллий кислотасини ҳафталик сапленментацияси Дастури”, “Унни бойитиш бўйича миллий Дастур”. Ушбу Дастурлар жаҳон тажрибаларига ва Бутун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти кўрсатмаларига асосланган бўлиб, кўп ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон давлатларида ҳам қўлланилмоқда. Дастурларни Марказий Осиё мамлакатларига жорий этишда Қозоғистон Озқилантириш Академияси ва унинг президенти, академик Т. Шармановнинг ҳиссаси катта бўлди. Дастурларни амалга оширишда ЮНЕСЕФ, ЛСА, Осиё Тараққиёт Банки, Жаҳон Банки, GAIN халқаро ташкилотлари кўмаклашмоқдалар.

Республикаимизда биринчи бўлиб, “Хавф гуруҳлар орасида темир препарати ва фоллий кислотасининг ҳафталик сапленментацияси” Дастури ишлаб чиқарилди ва 1999 йилдан бошлаб, Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилди. Шунингдек, 2001-2006 йилларда бу Дастур босқичма-босқич Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ҳам жорий этиб келинмоқда. Айтиш жоизки, мазкур Дастурни амалга ошириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда керакли миқдорда дори-дармонлар билан таъминлаш, шунингдек, тарғибот ишларида ЮНЕСЕФ, ЛСА халқаро ташкилотларининг ёрдами катта бўлди. Дастурга асосан, барча туғиш ёшидаги

аёллар, ҳомиладорлар, ўсмир қизлар, 6-24 ойлик болалар икки йил мобайнида ҳафтада бир мартаба темир препарати ва фолат кислотасини истеъмол қилишлари зарур. Бунинг натижасида



хавф гуруҳларининг темирга бўлган эҳтиёжи қопланиб, камқонликнинг олди олинади. Бинобарин, юқорида келтирилган вилоятлардаги 4,3 миллионга яқин аёл ва болалар бепул сапленментация олишга муяссар бўлишди. Вилоятларда ҳафтанинг чоршанба кuni – камқонлик касаллигига қарши кураш кuni деб эълон қилинди. Бунинг баробарида камқонлик Маркази мутахассислари томонидан тиббиёт ходимлари учун ҳар бир туманда ўқув-семинарлари ўтказилиб, аҳоли орасида тарғибот ишлари олиб борилди, буларга жамoa ташкилотлари ҳам кенг жалб этилди.

Дастур самарасини ўрганиш учун Қорақалпоғистон Республикасида, Хоразм, Фарғона вилоятларида 2006 йилда 3000 аёл ва болалар ўртасида текширувлар ўтказдик, бунда ЮНЕСЕФ ташкилоти, халқаро маслаҳатчилар қатнашди. Текширувлар халқаро стандартлар асосида баҳарилди ва олинган натижалар устида чуқур таҳлил олиб борилди. Икки йил мобайнида доимий равишда ҳафтада бир мартаба темир препарати ва фолат кислотасини истеъмол этган аёл ва болалар орасида камқонликнинг 2-3 баробар камайгани аниқланди. Сапленментация Дастури халқаро тажрибаларда “Тезкор Дастур” деб ном олган бўлиб, бунинг натижаларини 2-3 йилда олиш мумкин, шу боис, бизнинг текширувларимиз бунни тасдиқлади. Мазкур Дастурни аҳоли орасида доимий равишда тарғибот қилиб бориш зарур. Камқонлик касаллигини даволадан кўра, унинг олдини олиш афзал. Бунинг учун ҳафтада бир мартаба темир препарати ва фолат кислотасининг 1 донa таблеткасини истеъмол этиш муҳим.

Камқонликнинг олдини олиш учун республикаимизда “Унни темир билан бойитиш бўйича миллий Дастур” ҳам амалга ошириб келинмоқда. Бу узоқ муддатли

дастурлардан бири бўлиб, натижалар юқоридагидай тезда 2-3 йилда аниқланмайдими, балки 5 йилда 20 фоизга камайиши кутилмоқда, бу ҳам яхши натижа ҳисобланади.

2002 йилда Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Монғолия мамлакатлари вакиллари “Камқонлик ва йод етишмовчилигининг олдини олиш” масалаларига бағишланган халқаро йиғилишда Олмаота шаҳрида уч-

теъмол этиш натижасида камқонлик касаллиги қанчалик камайиши, қон таркибида қандай ўзгаришлар бўлишини илмий текширувлар орқали ўрганиш ва самарасини баҳолаш каби вазифалар топширилди. “ЯФСБ 9005” Дастури бўйича 2003 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Жиззах, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги ун ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар бугдой унни темир ва витаминлар билан бойитишмоқда. 2003-2004 йилларда Камқонлик Маркази мутахассислари зиммасига қўйилган вазифалари бўйича пилот ҳудудларида илмий текширувлар ўтказилиб, улар халқаро стандартлар талабига жавоб берадиган усулларни қўллашди ва халқаро маслаҳатчилар билан биргаликда иш олиб боришди. Бундай текширувлар бошқа Марказий Осиё мамлакатларида ҳам ўтказилди. Натижалар халқаро форумларда кенг муҳокама этилди ва Дастур самараларига ижобий баҳо берилди: яъни бойитилган ун маҳсулотлари доимий равишда истеъмол этилган, камқонлик ва фолат кислотасининг организмда етишмовчилиги бир йилда ҳам анча ка-



рашдилар. У ерда дунё миқёсидаги соҳа мутахассислари иштирок этишди. Шу жумладан ўзбекистонлик тиббиёт ходимлари қатори мен ҳам камқонлик касаллиги бўйича қатнашдим. Бир неча кун қизгин суҳбат ва баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Анжуман доирасида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиб, темир ва фолат кислоталари етишмовчилигининг олдини олиш учун энг қулай, арзон, хавфсиз ва узоқ муддатли, муҳим чоралардан бири унни бойитиш Дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш деган хулосага келинди. Бунинг баробарида Марказий Осиё мамлакатлари ва Монғолия давлати унни темир ва витаминлар билан бойитиш, тузни йодлаш туғрисида “ЯФСБ 9005” номи Дастур тузилиди. Ва ушбу Дастурни ҳар бир мамлакатда амалга ошириш учун Осиё тараққиёт банки керакли миқдорда маблағ ажратди. Ўзбекистонда ушбу Дастурни амалга ошириш учун ишчи гуруҳи тузилиб, керакли вазифалар белгилаб олинди.

Гематология институтини Камқонлик Маркази зиммасига бойитилган ун маҳсулотларини ис-

80 фоиз туғиш ёшидаги аёллар ва болалар мазкур касалликка чалинган. Агар шу витамин ҳомиладор аёллар организмиде етишмаса, болалар туғма нуқсонлар билан туғилиши мумкин, шунингдек, ҳомиладор аёллар туғиш жараёнида турли асоратлар юзага келади. Бу муаммони ечиш борасида ҳам анча халқаро тажриблар бор, шуни инобатга олган ҳолда бойитилган ун таркибида фолат кислотаси ҳам киритилган.

Ўзбекистонда ҳамда Марказий Осиё мамлакатларида доимий истеъмол қилинадиган маҳсулот – бу ун. Унни бойитиш тажрибаси дунёда кўп тарқалган бўлиб, Европа, Осиё, Америка мамлакатларида бу усул 60 йилдан бери қўлланилмоқда. Бугдойдан ун ишлаб чиқариш жараёнида кепак билан темир, фоллий кислотаси ва бошқа витаминлар йўқолиб кетади. Уннинг нави қанча юқори бўлса, унда темир, фолат кислоталари ва бошқа витаминлар оз бўлади. Юқори навли унда деярли ҳеч қандай витаминлар қолмайди, биринчи навли ундан эса 75 фоиз витаминлар йўқолади, иккинчи навли унда эса 75 фоиз витаминлар сақланиб қолади.

Ушбу ва бошқа Дастурлар самараси, шунингдек, республикаимиздаги камқонлик касаллиги муаммоси назоратлари Камқонлик Маркази зиммасига юклатилган. Бундан ташқари, Дастурларни жойларда самарали жорий этишда Камқонлик Маркази ташкилий ва амалий ёрдам кўрсатади, тарғибот ишларини ташкил этади ва уларда бевосита қатнашади. Бундан ташқари, Марказга камқонлик касаллигининг келиб чиқиш омилларини чуқур ўрганиш, уни ташхислаш, даволаш муаммоларига қаратилган илмий текширувлар ўтказиш, турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, янги Дастурлар ишлаб чиқариш каби вазифалар ҳам юклатилган.

Унни бойитиш Дастури доирасида 2008 йил март-апрель ойларида республика миқёсида замонавий, жаҳон стандартларига жавоб берадиган усуллар билан катта илмий текширувлар ўтказилди. Бунда 60 нафарга яқин мутахассис қатнашди. Барча вилоятларда 2584 туғиш ёшидаги аёллардан қон ва қон заррдоғи олиб текширилди ҳамда савол-жавоблар ўтказилди. Бу текширувлар учун Камқонлик Маркази Жаҳон Банки томонидан 200 миллион сўмга яқин замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Ҳозирги кунда қон таҳлиллари, ўтказилган сўровномалар устида илмий текширувлар давом этмоқда. Баъзи олинган натижаларга қараганда туғиш ёшидаги аёллар орасида камқонлик кўрсаткичи анча камайди.

**Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, камқонлик касаллигини вақтида аниқлаб, аҳоли орасида тарғибот ишларини кучайтирсак, мазкур касалликнинг олдини олган бўламиз.**

**Дилорос СУЛАЙМОНОВА, ЎЗР ССВ Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти қошидаги Камқонлик Маркази раҳбари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги болалар бош гематологи, тиббиёт фанлари доктори.**

## Конспект врача

## ОСТЕОАРТРОЗ: ВОПРОСЫ ЭФФЕКТИВНОЙ И БЕЗОПАСНОЙ ФАРМАКОТЕРАПИИ

## ОПРЕДЕЛЕНИЕ ОСТЕОАРТРОЗА

Остеоартроз (ОА) – гетерогенная группа дегенеративных заболеваний суставов различной этиологии со сходными биологическими, морфологическими и клиническими проявлениями, исходом. Заболевание относится к хронической дегенеративно-дистрофической патологии суставов и характеризуется прогрессирующей деструкцией суставного хряща, пролиферативной реакцией хрящевой, костной тканей и сопровож-

дается реактивным синовитом. Это обусловлено вовлечением в патологический процесс, наряду с повреждением хряща, других компонентов сустава, таких, как: субхондральная кость, синовиальная оболочка, а также связки, капсула сустава, околоуставные мышцы. Поэтому в зарубежной литературе вместо термина "ОА" используют более адекватный термин "остеоартрит", подчеркивающий важную роль воспалительного компонента в развитии и прогрессировании заболевания.

Действительно, исследованиями J.P. Pellitier и соавт., M.B. Golding показано увеличение экскреции провоспалительных медиаторов в синовиальной оболочке, хряще и субхондральной кости при ОА даже в отсутствие классических признаков воспаления, таких, как нейтрофильная и макрофагальная инфильтрация.

Таким образом, ОА – это мультифакторное хроническое прогрессирующее заболевание суставов, характеризующееся нарушением равновесия между анаболическими и катаболическими процессами, приводящими к деструкции хряща, структурной перестройке субхондральной кости, суставной капсулы, синовию, внутрисуставных связок и околоуставных мышц.

## РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ ОА

ОА является распространенным заболеванием суставов и встречается у 10-12% населения. По прогнозу центра по контролю и профилактике заболеваний США, к 2020 г. больных артритом будет больше, чем любым другим заболеванием в США. Хотя термин "артрит" отражает многие заболевания, самое частое из них – ОА – диагностируется приблизительно у 15 млн. американцев. По данным официальной статистики РФ, распространенность ОА за последние годы возросла на 35%, а распространенность дегенеративных поражений позвоночника и суставов, как показал анализ статистических показателей России, достигла 11,48 на 1 000 взрослого населения. Об увеличении распространенности ОА в нашей стране (6-10%) можно косвенно судить по оценке удельного веса ОА среди заболеваний опорно-двигательного аппарата на основании статистических данных о госпитализации и обрабатываемости за лечебной помощью.

Анализ данных литературы показывает не только увеличение распространенности ОА, но и значительное возрастание финансовых затрат в связи с этим заболеванием, которые и без того огромны. Так, за последние десятилетия затраты в связи с ОА увеличились на 1-2,5% от национального дохода в США, Канаде, Англии, Франции и Австралии.

Развитие заболевания связано с возрастом, чаще ОА развивается после 30-35 лет, и у людей старше 60 лет встречается в 97% случаев. (Рис. 1).

Согласно демографическим прогнозам, к четвертому десятилетию XXI века количество лиц старшего возраста увеличится на 20%, причем наибольший рост будет наблюдаться в возрастной группе 85 лет и старше, особенно среди женщин. Следовательно, в популяциях с большей долей пожилых лиц возрастет и частота определенных заболеваний, связанных с возрастом, в том числе и ОА.

ОА выявляется у мужчин и женщин одинаково часто, за исключением артроза межфа-

ланговых суставов кистей, который встречается в 10 раз чаще у женщин.

## ЭТИОЛОГИЯ И ПАТОГЕНЕЗ ОА

ОА считается полиэтиологическим заболеванием. Какой-то одной причины, приводящей к развитию данного заболевания, по-видимому, не существует. Имеет значение ряд факторов, так или иначе ослабляющих причин, вредное воздействие которых на протяжении жизни суммируется и в итоге приводит к развитию артроза. Следовательно, существуют факторы развития ОА, которые условно делят на эндогенные и экзогенные (табл. 1.).

Среди эндогенных факторов особое значение имеют возраст больных, пол и другие, а среди экзогенных – травма, профессия и чаще всего избыток массы и тела.

Действительно, в соответствии с наиболее распространенной точкой зрения ОА развивается в результате механических и биологических причин, которые дестабилизируют в суставе хряще и субхондральной кости нормальные взаимоотношения между деградацией и синтезом компонентов матрикса хондроцитами. При дегенерации хряща (выражение "wear and tear", т.е. стирание и растрескивание) при ОА как бы на виду. Среди подтверждающих это положение факторов обычно называются пожилой возраст, ожирение, нередко предшествующие развитию ОА и, безусловно, повышающее риск поражения именно коленных суставов, как и травма суставов, и профессиональные вредности (табл. 2.).

Физическая нагрузка, сочетающаяся с необходимостью работать с согнутыми коленными суставами, способствует их преимущественному поражению. Напротив, у сельскохозяйственных рабочих высок риск развития коксартроза, который возникает из-за работы с согнутыми конечностями, ходьбы на длинные расстояния, подъемов и перемещения тяжестей, вождения трактора.

Еще одной причиной влияния механических факторов на развитие ОА являются профессиональные виды спорта – бег, прыжки с парашютом, в высоту, в длину, игра в футбол, поднятие тяжестей и др. (табл. 3.).

Специальное обследование атлетов, занимающихся профессиональным спортом смешанного и нагрузочного типов, показало, что они чаще госпитализируются в связи с ОА, чем в контрольной группе.

Из представленных данных можно выделить несколько факторов, наличие которых повышает риск развития ОА.

**1. Травма или хроническая микротравматизация хряща.** Основной причиной ОА можно считать несоответствие между механической нагрузкой на суставную поверхность хряща и возможностями хрящевой ткани сопротивляться данной нагрузке. Поэтому ОА часто развивается у лиц, выполняющих тяжелую физическую работу с механическими перегрузками суставов при часто повторяющихся стереотип-

ных движениях, а также у спортсменов. Хронической микротравматизации хряща способствуют врожденные дефекты суставов – дисплазии, приводящие к уменьшению congruency суставных статик – genu valgum, genu valgum, плоскостопие и др., что приводит к смещениям осей нагрузки в суставах, гипермобильности суставов, травмы – внутрисуставные переломы, вывихи, контузии. При ожирении увеличивается нагрузка на суставы, особенно коленные. Нагрузки на суставные поверхности тазобедренного, коленного, голеностопного суставов соотносятся как 3:2:1, примерно такое же распределение частоты развития ОА в этих суставах. Риск развития ОА у лиц с врожденными дефектами опорно-двигательного аппарата повышен в 7,7 раза, у людей с избыточной массой тела – в 2 раза.

**2. Возраст пациентов.** С возрастом усиливаются как дефекты агрегации протеогликанов, так и разволокнение коллагенового каркаса хряща. В связи с этим хрящ становится менее эластичным и утрачивает свою сопротивляемость нагрузке. Это не значит, что у всех людей в старости развивается артроз, но при наличии других предрасполагающих факторов с возрастом риск заболеть ОА повышается.

**3. Генетическая предрасположенность.** Развитие ОА межфаланговых суставов кистей с сопутствующими эрозивными изменениями в 10 раз чаще встречается у женщин, что объясняется наследованием данной патологии у них по аутосомно-доминантному типу, и рецессивной передачей этого признака у мужчин. Недавно обнаруженные дефекты гена, кодирующего синтез коллагена II типа, приводят к его дегенерации.

**4. Врожденные особенности (дефекты развития).** В настоящее время широко распространен синдром дисплазии соединительной ткани. Это врожденная слабость соединительной ткани, проявляющаяся гиперподвижностью суставов, ранним развитием остеохондроза, плоскостопием. При не соблюдении определенного двигательного режима это состояние может приводить к развитию артроза в молодом возрасте. Другая довольно частая врожденная аномалия – полный или неполный вывих тазобедренного сустава (именно поэтому проводят профилактические осмотры новорожденных сразу после рождения), который, если он неправильно вправлен или неверно лечился, приводит к возрастному к тяжелой форме артроза тазобедренного сустава.

**5. Воспаление.** Острый или хронический инфекционный артрит, в том числе туберкулезный, неспецифическое воспаление сустава, ревматоидный артрит и другие приводят к развитию ОА. Выявление иммуноглобулинов и комплемента, фиксирующихся на поверхности суставного хряща, позволяет предположить их роль в течение ОА. С общеклинических позиций вто-




Таблица 1.

| Факторы риска ОА                   |                               |
|------------------------------------|-------------------------------|
| Эндогенные                         | Экзогенные                    |
| Возраст                            | Травма                        |
| Пол                                | Профессиональная деятельность |
| Дефекты развития                   | Спортивная активность         |
| Наследственная предрасположенность | Избыточный вес                |

Таблица 2.

| Профессиональные факторы и риск развития ОА                                                      |                  |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------|
| Профессия                                                                                        | Локализация ОА   |
| Сборщики хлопка (Felson 1988)                                                                    | Суставы кистей   |
| Строители, пожарники, работники пищевой и перерабатывающей промышленности (Vimqard 1991)         | Т/б суставы      |
| Фермеры (Croft 1992)                                                                             | Т/б суставы      |
| Работы, связанные с длительным нахождением коленных суставов в согнутом состоянии (Cooper, 1994) | Коленные суставы |

Таблица 3.

| Спортивные факторы и риск развития ОА             |                             |
|---------------------------------------------------|-----------------------------|
| Вид спорта                                        | Локализация ОА              |
| Футбол (ROOS 1994)                                | Коленные и т/б суставы      |
| Футбол, штанга (Kujala, 1995)                     | Коленные и т/б суставы      |
| Теннис и бег на длинные дистанции (Spector, 1995) | Коленные и т/б суставы      |
| Бейсбол – подающие мяч (Bennet, 1991)             | Локтевые и плечевые суставы |

Таблица 4.

| Остеоартроз                                |                                      |                                                                                     |
|--------------------------------------------|--------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------|
| Первичный (идиопатический)                 |                                      | Вторичный                                                                           |
| Локальный кисти стопы коленные т/б суставы | Генерализованный (Kellgren et Moore) | • На фоне других заболеваний Ревматоидный артрит Сахарный диабет Гипотиреоз Подagra |

ричное развитие ОА на фоне ревматоидного артрита является не только частым, но и в некотором роде компенсаторным процессом, когда на фоне рентгенологических симптомов ревматоидного артрита (эпифизарный остеопороз, эрозивный процесс, кистовидная перестройка, лизис костной ткани и др.) появляются симптомы ОА (субхондральный остеосклероз, остеофитоз и др.).

**6. Нейрогенные нарушения.** Расстройство проприоцептивной импульсации приводит к снижению тонуса мышц, расположенных вблизи сустава, а вследствие этого к усилению механической нагрузки на сустав.

**7. Нарушения обмена веществ.** Особенно так называемые болезни накопления, например, гемохроматоз, охроноз, хондрокальциноз, подагра. Отложение различных веществ в матрице хряща, как правило, приводит к прямому повреждению хондроцитов и вторичному нарушению амортизационной способности хряща.

Традиционно ОА разделяют на первичный и вторичный (таб. 4).

Если наступает дегенерация уже предвременно измененного хряща, то такое состояние обозначается как вторичный ОА.

Вторичный ОА может развиваться после предшествующих травм суставов, перенесенных артритов, на фоне диспластических изменений суставов, т.е. при нарушении нормального соотношения суставных поверхностей с последующим перераспределением нагрузки на них с концентрацией давления на определенном участке. В последнее время границы между вторичным и первичным ОА стираются, так как при внешне неизменном хряще можно констатировать патологические деструктивные процессы в нем на клеточно-тканевом уровне; с другой стороны, при вторичном ОА метаболические изменения хрящевой ткани развиваются очень рано на морфологически измененном хряще.

(Продолжение на 5-й стр.)

## Конспект врача

# ОСТЕОАРТРОЗ: ВОПРОСЫ ЭФФЕКТИВНОЙ И БЕЗОПАСНОЙ ФАРМАКОТЕРАПИИ

Известно, что суставной хрящ здорового человека на 70% состоит из воды. В хряще различают матрикс и погруженные в него хондроциты. (Рис. 2).

Хондроциты синтезируют высокополимеризованные протеогликаны и коллагеновые волокна, укрепляющие структуру матрикса. Протеогликаны состоят из белковых молекул, гиалуроновой кислоты и гликозаминогликанов (мукополисахаридов), главным образом из хондроитинсульфата и кератансульфата. Кроме того, имеются гепаран- и дерматансульфаты. Все они относятся к группе соединений, которые имеют общее название – сульфатированные гликозаминогликаны (табл. 5.).

В матриксе хряща гликозаминогликаны (ГАГ) всегда соединены с белком и входят в состав протеогликанов. Мономер протеогликана хряща состоит из 50-60 цепей кератансульфата и 100 цепей хондроитин сульфата (ХС), которые ковалентно связаны со стержневым белком. Мономеры протеогликанов несут большой отрицательный заряд и являются основными блоками для построения как минимум двух видов белково-полисахаридных комплексов хрящевого матрикса.

Во-первых, они формируют агрегаты с гиалуроновой кислотой, когда 100-140 протеогликановых мономеров соединены с длинной цепью гиалуроновой кислоты. Во вторых, мономеры протеогликана при ассоциации их С-концевых участков могут образовывать димеры, которые в свою очередь взаимодействуют с N-концевыми участками, молекулами гликопротеина и формируют агрегаты первого порядка. Далее образуются агрегаты более высокого порядка, в которых димеры одновременно соединены с двумя и более молекулами связующего белка. (табл. 6.).

